



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!


IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 18-sentabr • Shanba • 111 (31.231) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan  
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг таклифи бўйича 20-21 сентябрь кунлари Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этади.

## ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч



Эксперимент НОРМУРДОВ оғилан сураётган.

## Қуйи бўғин кучли бўлса...

Юнусобод туманидаги 52-оилавий поликлиника ҳудуддаги 61 минг аҳолига хизмат қилади. Жамоада 219 нафар ходим бўлиб, уларнинг кўпчилиги партиямиз аъзосидир. Бошланғич партия ташкилотига 110 нафар аъзо бирлашган. Қуйи бўғин туман партия кенгаши билан бирга турли тадбирлар ўтказиб келади. Жамоада партиянинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кун сайин ортиб бормоқда.

Куни кеча 6 нафар ёш ходимга партияга аъзолик гувоҳномаси топширилди. Биз улардан бири билан суҳбат қилдик.

— Партия сафига киришдан аввал унинг дастурий мақсадлари билан яқиндан танишдим, — дейди Зилола Абдувоҳидова.

борасида олиб бораётган тушунтириш ишлари яхши самара бераётган.

Баркамол авлод йили муносабати билан тумандаги коллеж ва мактабларда йигит-қизлар тиббий кўриқдан ўтказилди, улар билан тиббий маданият, йигит қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича суҳбатлар ўтказдик.

Поликлиника бош врач Кимё Шокирова 53-Туркистон сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига депутат.

— Ўтган ҳафта сайлов округимда аҳоли билан қатор учрашувлар ўтказдим, — дейди у. — Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар юзасидан фикр ал-

масдик. Шунингдек, фуқароларни қабул қилдик. Улар турли масалалар юзасидан таклифлар айтишди. Бундан ташқари, пенсия таъминоти, вояга етмагандар ўртасида ҳуқуқбузарлик профилактикаси масалаларида кўплаб саволлар бўлди.

Эл дарди билан яшаш, электратни қийнаётган масалалар ечимини топиш, ҳудуддаги мавжуд камчиликларни аниқлаб, уларни бар тараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш депутатнинг асосий вазифаларидан бири. Кимё Шокирова ҳам ана шу талаб асосида фаолият олиб бормоқда.

→2

Ҳар бир мурожаат назоратда

→2

«Бухоро карпет» гиламлари

→3

Тошкент опен — 2010

→4

Ўзбекистонга келишни кўпдан бери орзу қилардим. Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўриш, унинг гўзал хиббонларида сайр қилиш имконига эга бўлганимдан бахтиёрман. Бозорларда бўлдим. Истаган нарсани топиш мумкин. Миллий ширинликлар, бир қанча хунармандлик буюмлари ва миллий либослар харид қилдим. Ўзбек халқининг бой маданияти билан танишганимдан гоят хурсандман.  
Элиза МАУРЕР хоним (Бразилия)

## Ўз мухбирларимиз хабар қилади

## ПАРЛАМЕНТ МАМЛАКАТИМИЗ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

15-16 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 16 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросига доир ҳисоботни эшитди. Ушбу масала юзасидан мажлисда молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев маъруза билан, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси Б.Иминов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижросини назорат қилиш парламентнинг энг муҳим вазифаларидан биридир, шу сабабли Олий Мажлис қуйи палатасининг депутатлари ушбу масалага ҳар доим алоҳида эътибор қаратадилар. Ҳисобот дастлабки тартибда кўмиталар, сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан саъланган депутатлар гуруҳи мажлисларида мамлакатимиз Молия вазирлиги вакиллари, бошқа вазирликлар ва идоралар раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилди.

Қонунчилик палатаси кўмиталарида ҳужжатни муҳокама қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган «Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилишининг боришига, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва жамиятимиз бошқа соҳаларини ўз вақтида молиялаштириш каби долзарб социал-иқтисодий масалаларга тўхталиб ўтилди.

(Давоми 3-бетда.)



## Қишлоқда янги иш ўринлари

ЎзХДП фаоли Салимаҳон Юсупова ўзи яшайдиган Қосонсой туманининг Навбахор қишлоғида тикувчилик корхонаси очди.

Оддий тикув машиналарида иш бошлаган олти нафар чевар тиккан болалар ва аёллар кийим-кечаги шу йил май ойидан бошлаб савдога чиқарилди. Қисқа муддатда улар тайёрлаган маҳсулотлар сифати тилга тушди. Аини пайтда «Ангрен Сантехмонтаж» ташкилоти ҳамда Қосонсой туман йўл қурилиш ва таъмирлаш бўлиmidан буюртмалар олинди, бажаришга киришилди.

— Яқинда учта замонавий тикув машинаси келтириб ўрнатдик, — дейди Салимаҳон Юсупова. — Йил охиригача хотин-қизларимиз учун яратилган иш ўринлари сони йигирмага етади. Корхонамиз қошидаги ўкув марказимизда 5 нафар қиз тикувчилик сирларини ўрганмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

## Ишлаб чиқариш корхоналари кўпаймоқда

Навоий вилоятида ишлаб чиқариш объектларини муттасил қўлайтиришга, улардан мақсадли равишда фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу аҳолини, аynиқса, ёшларни иш билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилаяпти.

Биргина Зарафшон шаҳрини оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида шаҳарда 3 та йirik ишлаб чиқариш корхонасига асос солинди.

Шулардан энг йириги 117,6 минг АҚШ доллари эвазига бунёд этилган «Зарафшон — караван» масъулияти чекланган жамиятидир. Аини кезде мазкур корхонада энг хариддоргир нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада иш унумдорлиги муттасил ошиб, маҳсулот турлари кўпаймоқда.



Музаффар ШАРОПОВ

ОБ-ҲАВО 18-19.09. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀ 21°C	☀ 23°C
Самарқанд	☀ 20°C	☀ 22°C
Нукус	☀ 18°C	☀ 20°C
Қарши	☀ 21°C	☀ 24°C
Ургач	☀ 19°C	☀ 21°C
Навий	☀ 19°C	☀ 21°C
Фарғона	☀ 19°C	☀ 21°C
Бухоро	☀ 19°C	☀ 21°C
Андижон	☀ 19°C	☀ 21°C
Наманган	☀ 19°C	☀ 21°C
Термиз	☀ 22°C	☀ 24°C
Жиззах	☀ 20°C	☀ 21°C
Гулистон	☀ 20°C	☀ 21°C
Тошкент вил.	☀ 20°C	☀ 21°C
Лондон	☀ 17°C	☀ 19°C
Париж	☀ 20°C	☀ 19°C
Москва	☀ 13°C	☀ 14°C
Мадрид	☀ 22°C	☀ 20°C
Пезин	☀ 24°C	☀ 25°C
Гонконг	☀ 26°C	☀ 28°C
Рим	☀ 24°C	☀ 23°C
Андрэ	☀ 25°C	☀ 27°C
Токио	☀ 32°C	☀ 31°C
Стокгольм	☀ 13°C	☀ 12°C
Кейптаун	☀ 19°C	☀ 21°C
Крифа	☀ 19°C	☀ 20°C
Гавана	☀ 31°C	☀ 29°C
Вашингтон	☀ 28°C	☀ 28°C

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 14 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1304,92	1 Миср фунти	283,49	1 СДР	2446,25	10 Жанубий Корея воени	13,92
1 Англия фунт стерлинги	2491,48	1 Канада доллари	1565,96	1 Туркия лираси	1084,36	10 Япония иенаси	192,19
1 БАА дирҳами	440,39	1 Хитой юани	239,20	1 Швейцария франки	1592,16	1 Россия рубли	52,35
1 АҚШ доллари	1617,32	1 Малайзия рингити	521,72	1 Евро	2066,65	1 Украина гривнаси	204,5

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.





